

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ: АДАБИЙ ЖАРАЁН, ҚИЁСИЙ  
АДАБИЁТШУНОСЛИК, УСЛУБШУНОСЛИК ВА  
ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-амалий  
конференцияси материаллари

## ТЎПЛАМИ

3-4 май, 2019 йил

БУХОРО – 2019

Rahmonberdiyeva Saida. GENDER IN TRANSLATION AND OTHER CHALLENGES .....	269
Dosbaeva Nargiza. LINGUOCULTURAL APPROACH TO THE TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS.....	271

**III ШЎБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА АДАБИЁТНИНГ РОЛИ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ РОЛИ .....** 274

Ахмедов Б.Я. ФОРМИРОВАНИЕ РЕЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ЧЕРЕЗ ЦЕЛЕВЫЕ УСТАНОВКИ.....	274
Абдурахманова М. ЖАМИЯТ РАВНАҚ ТОПИШИДА ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИ.....	277
Ядгарова Г.Т. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.....	279
Seit-Asan Feride Ernestovna, Hakimov Hamidullo. STUDYING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION.....	283
Nasimova Sohiba, Olimzoda Parvina. TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING O'RNI: MUAMMO VA YECHIMLAR.....	286
Ahmedova Durdona. INTERFAOL USULLAR - DARS SAMARADORLIGI OMILI .....	288
Mokhichekhra Niyazova, Marvarid Sultonova. THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY .....	289
Каюмова М.И., Ханжаров. К. ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНТЕРАКТИВНЫЙ МЕТОД ОПРОС – КАК МЕТОД ПОВЫШЕНИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ.....	292
N.O'.Ochilova, Latipova Malika. ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF USING TECHNOLOGY AT LEARNING LANGUAGE.....	295
N.O'.Ochilova, M.O.Ibotova. ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYANING CHET TILLARINI O'RGANISHDAGI ROLI.....	297
Хамидова Гулнора. ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ОБУЧЕНИЮ УЧАЩИХСЯ КАК СРЕДСТВО АКТИВИЗАЦИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ .....	299
Nabiyeva Zarina. TALABALARNING NUTQ KO'NIKALARINI RIVOJLANTIRISHNING SAMARALI USULLARI .....	301
Mavlyanova Nigina, Yusupova Ra'no. TIL O'QITISHNING KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARI .....	303
Karimov Rustam. TEACHING GRAMMAR COMMUNICATIVELY IN THE CONTEXT OF B1 LEVEL ESP LEARNERS.....	304
Artikov Azamatjon. THE ADVANTAGES OF DIRECT METHOD IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES .....	306
О.Саидахмедова. ТИЛ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ГРАММАТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАРТИБИ.....	309



## ТИЛ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ГРАММАТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАРТИБИ

*О. Саидахмедова*

*ТошДЎТАУ таянч докторанти*

### **Аннотация**

Тил ўзлаштириш она тили билан боғлиқ ходиса бўлиб, сўзлар, грамматик кўрсаткичлар, гап тартибини ўзлаштиришнинг муайян тартибини изоҳлайди. Бу тартиб тилнинг чет тили сифатида ўрганилишида асос вазифасини бажаради.

**Калит сўзлар:** *тил ўзлаштириш, тил ўрганиш, қобилият, имконият, мотивация, она тили, чет тили, грамматик кўрсаткичлар тартиби*

Тилни эгаллашда икки асосий тушунча мавжуд: тил ўзлаштириш ва тил ўрганиш бўлиб, бу икки тушунча она тилини ҳамда чет тилини эгаллашда фаркланади.

**Тил ўзлаштириш** тўлиқ англамайдиган жараён, тил ўзлаштирувчилар тил ўзлаштириш жараёнини билмаган ҳолда тилдан коммуникацияда фойдаланадилар. Тил ўзлаштириш жараёнининг натижаси бўлган малака (сўзлашув лаёқати) ҳам беихтиёрдир. Умуман олганда, тил қоидаларини ўзлаштириш онгли тарзда амалга ошмайди. Бошқача айтганда, тил ўзлаштириш шубҳасиз (сўроқсиз) ўрганиш, норасмий ўрганиш ёки табиий ўрганишдир. Ўзлаштириш тилни “тўплаш” жараёнидир.

Чет тилида сўзлашув малакасини ривожлантириш **тил ўрганиш** билан амалга ошади. Чет тилини эгаллаш уни онгли тарзда ўрганиш билан боғлиқ, яъни қоидаларга асосан ўрганилади, нутққа ҳам қоидагидек олиб чиқилади. Бошқача айтганда, ўрганиш тил ҳақида билишдир, тилни грамматика ва қоидаларига асосан танишдир. Тил ўрганишни тилни формал билиш ёки онгли тарзда ўрганиш дейиш мумкин.

Тил ўзлаштириш учун уч асосий шарт мавжуд: қобилият, имконият ҳамда мотивация. Қобилият периферик система – сезиш, кўриш ва эшитиш орқали ривожланади. Когнитив ва ижтимоий ривожланиш боланинг тил ўзлаштириш тартибига таъсир кўрсатади. Қобилиятнинг ривожланиши болаликнинг сўнгги даврида иккинчи тилни тез ўзлаштириши ходисасини тушунтиради. Бошқа томондан, балоғат ёшидан ўтгандан сўнг она тили тўлалигича ўзлаштирилмайди<sup>1</sup>.

Иккинчидан, мулоқот учун муҳит зарурийдир, бу тилга оид шаклларни (товушлар) тартибга солиш ва семантик “харита”ни чизишга ёрдам беради.

<sup>1</sup> Susan Ervin-Tripp. Acquisition. Journal of Linguistic Anthropology, Vol. 9, No. 1/2 (June 1999), pp. 6-8  
Published by: Wiley on behalf of American Anthropological Association, University of California, Berkeley.  
<https://www.jstor.org/stable/43102412>

бўлса-да, иккинчи тилни ўзлаштиришда муайян универсал тартиб бўлиши керак<sup>1</sup> деган фикрга келдилар.

Демак, грамматик кўрсаткичларни ўзлаштириш тартиби она тили ҳамда чет тилини ўрганиш соҳаларига тегишли бўлиб, ўзбек тилида морфемаларнинг ўзлаштириш тартибини аниқлаш ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганилиши ҳамда ўқитилишида грамматик кўрсаткичларнинг кетма-кетлигини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## **NEMIS TILIDA PREDLOGLARNI ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR BILAN O'QITISHNING SAMARALI USULLARI**

*D.Z.Hayotova SamDCHTI magistranti*

*B.Y.Primov- Filologiya fanlari nomzodi,dotsent*

*Pedagogik texnologiya – o'qituvchi mahoratiga bog'liq bo'lgan holda pedagogik muvoffaqiyatni kafolatlay oladigan o'quvchi shaxsini shakllantirish jarayonining loyihasidir (V.P.Bespalko).*

Mamlakatimiz o'z mustaqilligini jahon miqyosida yil sayin barqarorlashtirib borar ekan, uning istiqboli bugungi yoshlarning, bilimdon, ma'naviy jihatdan barkamol insonlar ilmi va uning amaliyotda to'g'ri yo'nalishga ega bo'lishi juda muhimdir.

Respublikamiz Prezidenti Oliy Majlisning XIV-sessiyasida “yangi darsliklarni, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini o'z vaqtida ishlab chiqish va joriy etishni ta'minlashni nazorat ostiga olish zarur”ligini alohida ta'kidladilar.

Bugun olimlar va o'qituvchilar ilg'or pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqishga astoydil kirishishlari shart va ular bu ishga mas'uldirlar. Hozirgi shiddat tezligida rivojlanayotgan davlatimizda,yuqori malakali kadrlarni tayyorlashda, o'qitishning hozirgi zamon tizimlari va yangi innovatsion pedagogik texnologiyalari asosida amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir. Yangi innovatsion pedagogik texnologiyalarni xislati shundaki, unda qo'yilgan maqsadlarga erishish kafolatini beruvchi o'quv jarayoni rejalashtiriladi va amalga oshiriladi Pedagogik texnologiya ta'lim-tarbiya jarayoniga o'ziga xos bo'lgan innovatsion yondashuvdir. Bugungi kunda Respublikamizda ham pedagogik texnologiyalar sohasida olimlarimiz tomonidan juda katta ishlar amalga oshirildi. Ular texnologiyalashtirishni obyektiv jarayon, deb hisoblaydilar va yangi sifatiy muammolarni yechish uchun ta'limni evolyusion jarayonga ko'tarish shartlaridan biri ekanligini e'tirof etgan qolda ijod qilmoqdalar. Ularga J.G.Yo'ldoshev, B.P.Farberman, N.Saydaxmedov,

<sup>1</sup> Dulay, H. & Burt, M. Natural sequences in child second language acquisition. Language Learning. 1974. 24. 37-53.

